

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА ФАОЛИЯТ
КҮРСАТАЁТГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ
ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БҮЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА**

**«Адолат» МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ – 2024**

Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича услугий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 11 б.

Тузувчи: К. Усманов

Ушбу услугий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тартиби, шу жумладан уларга субсидия, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун грантлар ажратиш тартиби содда тилда баён этилган.

Мазкур услугий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Қишлоқ хұжалигіда фаолият күрсатаётган хотин-қызларни құллаб-күвватлашни тартибга солувчи қонунчилік ҳужжатлари	5
Янги ўзлаштирилған, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш тизими (артезиан құдуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ва электр энергияси билан таъминлаш, берилған ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғлик күчтегі харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратиши.....	6
Үрмон фонди ерларини ижарага олған ижарачилар Ақоли бандлигига күмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қылған тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиши	7
Фермер ва деҳқон хўжаликларининг раҳбарлари ва ишчилари ҳамда томорқа ер эгаларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни молиялаштириш учун грант ажратиши	10

Кириш

Сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги жараёнлар жадаллашгани алоҳида қўзга ташланади. Бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар эса аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиганини тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистонда «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар» доирасида устувор мақсадлардан бири сифатида «Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш» белгиланган.

Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича услугий қўлланма (кейинги ўринларда – Қўлланма) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Оила ва хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда тайёрланди.

Қўлланмани ишлаб чиқишдан мақсад қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларга ажратилган ер майдонларини суғориш тизими ва электр энергияси билан таъминлаш, берилган ерларни ўзлаштириш учун ҳамда ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачилар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимида рўйхатдан ўтган ишсиз хотин-қизларни ишга қабул қилган тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун субсидиялар ажратиш, фермер ва дехқон хўжаликларининг аёл раҳбарлари ва ишчилари ҳамда томорқа ер эгаларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни молиялаштириш учун грант ажратишида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришdir.

Қўлланма давлат хизматчилари, шу жумладан, “маҳалла еттилиги” аъзолари ўз фаолиятларида фойдаланиши ва қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар учун мўлжалланган.

Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларни қўллаб-куватлашни тартибга солувчи қонунчилик хужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.03.2022 йилдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сон қарори;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.04.2021 йилдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтоҷ оиласаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-куватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 250-сон қарори;
3. Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида низом (2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3163).



Янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ва электр энергияси билан таъминлаш, берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғлик кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратиш

✓ Мазкур субсидия туридан “Аёллар дафтари”га киритилган барча хотин-қизлар фойдаланиши мумкин.

✓ Субсидия ажратилишига кўмаклашиш учун маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси масъул этиб белгиланган.

✓ Субсидия базавий ҳисоблаш миқдорининг **40 бараваригача** миқдорда берилади.

Маълумот учун: 2024 йилнинг 1 июнь ҳолатига **базавий ҳисоблаш миқдори** 340 минг сўмни ташкил этади.



жамғармаси маблағлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланган **“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг индивидуал дастурлари** асосида Васийлик кенгаши қарори асосида сарфланади.

“Индивидуал дастур” — “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган ҳар бир хотин-қиз ҳамда уларга кўрсатиладиган амалий ёрдам турлари, даври (санаси), миқдори (суммаси, фоизи ва бошқалар) ва амалий ёрдамлар мониторинги тўғрисидаги маълумотлар мажмуи.



✓ Субсидия “Аёллар дафтари” жамғармасидан ажратилади ва уни олиш учун туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига мурожаат қилиш керак.

✓ “Аёллар дафтари”

Үрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачилар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилган тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш

✓ Туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилган ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачилар уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратишни сўраб тегишли ҳудуддаги туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимига **мурожаат** қиласди.

Маълумот учун: Субсидия **6 ой давомида** ўртача иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, бироқ ҳар бир ой учун **БҲМнинг 2 баробаридан ошмаган** миқдорда берилади.

Аризада кўрсатилиши лозим:

- камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими йўлланмаси асосида ишга қабул қилинган шахсларнинг Ф.И.О.;
- тўлаб берилиши лозим бўлган субсидия миқдори;
- ташкилотнинг ҳисоб рақами.



✓ Аризага ходимнинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги **буйруқ нусхаси илова қилиниши** шарт.

✓ Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими масъул ходими иш берувчи томонидан субсидия ажратишни сўраб тақдим этилган ҳужжатларни **5 иш куни ичida** ўрганиб чиқади.

Бу муҳим! Масъул ходим ҳужжатларни ўрганиб чиқишида ишчини йўлланма асосида ишга қабул қилинганлиги ва узлуксиз ушбу ташкилотда ишлаётганлиги, шунингдек аризада маълумотлар

тўлиқ қўрсатилганлиги ҳамда ишчининг ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси тақдим қилинганлигига эътибор қаратиши лозим.

✓ Масъул ходим тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўлиқ ва тўғрилигини аниқлагандан мурожаатда кўрсатилган ишчи учун субсидия ажратиш тўғрисида камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими раҳбарига **ёзма шаклда таклиф** киритади.

✓ Бўлим раҳбари масъул ходимга мурожаатда кўрсатилган ишчи учун субсидия ажратиш тўғрисида **розилик** билдиради ва субсидия ажратиш тўғрисида **буйруқ** расмийлаштирилади.

Бу муҳим! Буйруқда ажратиладиган субсидия **миқдори** ва уни тўлаб бериш **шартлари қўрсатилиши зарур.**

Қуийидаги ҳолатларда ариза рад этилади:

ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмагандан

ҳужжатларда барча зарур маълумотлар кўрсатилмагандан

камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими йўлланмаси ҳақиқий эмас деб топилганда

✓ Ўрганиш натижаси бўйича субсидия ажратиш рад этилганда бу тўғрисида аризачига **жавоб хати** юборилади. Жавоб хатида рад этишининг сабаблари **асослантирилган бўлиши** керак.

Бу муҳим! Масъул ходим аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларни ўрганиш натижаси бўйича билдирилган таклиф ёки рад этиши **асослантирилганлиги учун масъул** ҳисобланади.

✓ Бўлим раҳбарининг субсидия ажратиш тўғрисидаги буйруғига асосан аризачига унинг мурожаатида кўрсатилган ҳар бир ишчи учун субсидия ажратилади ва бўлим томонидан иш берувчига **оима-ой тўлаб борилади**.

✓ Солиқ хизмати органи томонидан камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими йўлланмаси билан ишга қабул қилинган шахсга **иш ҳақи ҳисобланмаганлиги тўғрисида** маълумот берилганда, ушбу маълумот берилган вақтдан бошлаб бўлим томонидан субсидияни тўлаб бериш тўхтатилади.

Субсидия ажратиш схемаси



Фермер ва деҳқон хўжаликларининг раҳбарлари ва ишчилари ҳамда томорқа ер эгаларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни молиялаштириш учун грант ажратиш

- ✓ Касб-ҳунарга ўқитиши марказлари, коллежлар ва олий ўқув юртларида касб-ҳунарга тайёрлаш, агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичилик соҳасида фермер ва деҳқон хўжаликларининг раҳбарлари ва ишчилари ҳамда томорқа ер эгаларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни молиялаштириш грантлар ажратилади.
- ✓ Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими тегишли ҳудуддаги меҳнат бозори эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш истаги бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларининг раҳбарлари ва ишчилари, томорқа ер эгалари **рўйхатини шакллантиради**.

Маълумот учун: Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими томонидан тегишли ҳудуддаги касбга қайта ўқиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш истаги бўлганларни аниқлаш мақсадида **оммавий ахборот воситаларида эълон берилиши мумкин**.

- ✓ Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими томонидан тегишли ҳудудий бош бошқармага грант ажратишни сўраб **талабнома** юборилади.

- ✓ Талабномада қуйидагилар **кўрсатилиши** шарт:
 - шакллантирилган рўйхат асосида ҳудуддаги банд бўлмаган шахслар, шунингдек меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар ва кам таъминланган оиласарда яшовчи хотин-қизларнинг, шунингдек қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш истаги бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларининг раҳбарлари ва ишчилари, томорқа ер эгаларининг сони;
 - касбга қайта ўқитиши, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш **йўналишлари** ва **муддатлари**;
 - тегишли ҳудуд.

✓ Ҳудудий бош бошқарма камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими томонидан юборилган талабномани **3 иш куни ичида** кўриб чиқади.

✓ Ҳудудий бош бошқармада талабнома бўйича **эътиrozлар мавжуд бўлмаганда**, талабномада кўрсатилган шахсларни касбга қайта ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш учун касб-хунар таълими муассасалари, касб-хунарга ўқитиш марказлари, коллежлар ва олий ўқув юртлари **танловини** ўтказади.

Бу муҳим! Танлов “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ўтказилиши шарт.

✓ Танлов натижасига кўра ҳудудий бош бошқарма ва тегишли касб-хунар таълими муассасаси, касб-хунарга ўқитиш маркази, колледж ёки олий ўқув юрти ўртасида **шартнома** тузилади.



✓ Шартномага асосан тегишли ҳудудий бош бошқарма банд бўлмаган шахсларни, айниқса, меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар, кам таъминланган оиласаларда яшовчи хотин-қизларни **касбга қайта ўқитишга**, шунингдек агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичилик соҳасида фермер ва дехқон хўжаликларининг раҳбарлари ва ишчилари ҳамда томорқа ер **эгаларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга** сарфланадиган харажатларни молиялаштиради.

-
- 1 • Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими томонидан тегишли ҳудуддаги касбга қайта ўқиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш истаги бўлганларни аниқлаш мақсадида ОАВда эълон берилади
 - 2 • Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими меҳнат бозори эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш истагида бўлган шахслар рўйхатини шакллантиради
 - 3 • Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими томонидан тегишли ҳудудий бош бошқармага грант ажратишни сўраб талабнома юборилади
 - 4 • Ҳудудий бош бошқарма камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими томонидан юборилган талабномани 3 иш куни ичида кўриб чиқади
 - 5 • Ҳудудий бош бошқармада талабнома бўйича эътиrozлар мавжуд бўлмагандага, касб-хунар таълими муассасалари, касб-хунарга ўқитиш марказлари, коллежлар ва олий ўқув юртлари танловини ўтказади
 - 6 • Танлов натижасига кўра ҳудудий бош бошқарма ва тегишли касб-хунар таълими муассасаси, касб-хунарга ўқитиш маркази, коллеж ёки олий ўқув юрти ўртасида шартнома тузилади
 - 7 • Шартномага асосан тегишли ҳудудий бош бошқарма қайта тайёрлаш ва малака оширишга сарфланадиган харажатларни молиялаштиради